

# Куч-адолатда

Аدل ила олам юзин обод қил

2020 йил  
17 июль,  
жума  
№ 23 (796)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ЕТАКЧИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДАГИ ЛОЙИХАЛАР ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 16 июль кuni видеоалоқа орқали нефть-газ кимёси, электр техникаси ва фармацевтика саноатидаги янги лойиҳалар тақдими ҳамда ушбу тармоқларни ривожлантириш ишлари бўйича ҳисоботлар билан танишди.**

Бутун дунёни камраб олган пандемия жаҳон иқтисодиётига жиддий салбий таъсир кўрсатаётган бугунги шароитда мамлакатимизда саноатни барқарор ривожлантириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Давлатимиз хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаб, уларни монетизация қилиш йўлидан бормоқда. Яъни, импорт ўрнини босувчи ва экспортбон тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, иқтисодий самарадорликни ошириш чоралари кўрилувчи.

Тақдиротда нефть ва газ кимёси тармоғидаги ана шундай янги лойиҳалар бўйича маълумот берилди.

Ўтган йили 28 декабрда "Навоийазот" акциядорлик жамиятида Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси ишга туширилган эди. Бугунги кунда унинг 2-босқичи лойиҳалаштирилмоқда. Ушбу лойиҳа қиймати 440 миллион доллар атрофида бўлиши мўлжалланган. 650 киши иш билан таъминланиши, йилга 132 миллион долларлик маҳсулот тайёрлини режалаштирилган. Шунингдек, замонавий технологиялар ўрнатилиши натижасида катта ҳажмдаги табиий газ тежаллади.

25 миллион долларлик навбатдаги лойиҳа водород пероксиди ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Тозалаш-дезинфекциялаш хусусиятига эга бу мода фармацевтика, тиббиёт, тўқимачилик ва маиший ҳаётда кенг қўлланилади. Лойиҳа натижасида 50 та иш ўрни яратилиб, йилга қарийб 20 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Ушбу корхона 2021 йил сентябрда Навоий вилоятида ишга тушириш режалаштирилган.

"Навоийазот" АЖда қиймати 18 миллион доллардан зиёд бўлган яна бир лойиҳа — карбамид формальдегид концентрати ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Жорий йил март ойида мазкур корхона қурилиши бошланган, уни келгуси йил мартда фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Бу ерда йилга 9 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарилиб, 1 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади, 50 та иш жойи очилади.

Қиймати 12 миллион доллар бўлган карбоксиметилцеллюлоза асосида реагентлар ишлаб чиқариш лойиҳаси қурилиш, бурғилаш, озик-овқат саноати ва тиббиёт учун муҳим аҳамиятга эга. Шу йил март ойида Юқори Чирчиқ туманида унинг биринчи босқичи ишга туширилган. 2023 йилгача барча тўрт босқич амалга оширилган, импорт ўрнини босувчи 9 миллион долларлик, экспортга йўналтириладиган 13 миллион долларлик маҳсулот тайёрланади. 100 та иш ўрни ташкил этилади.

Кўпikli полипропилен ишлаб чиқариш лойиҳасининг қиймати 5 миллион доллар бўлиб, унинг натижасида 40 та иш ўрни яратилади, 8 турдаги янги маҳсулот ўзлаштирилади. Бу маҳсулотлар иссиқлик сақловчи қутилар, хавфсизлик шлемлари, автомобиль ўриндиқлари, ўйинчоқлар ва бошқа буюмлар тайёрлашда қўл келади. Ушбу корхона 2021 йил августда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида ишга тушириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳалар тақдими билан танишиб, уларни жадаллаштириш ва сифатли амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тизимдаги ишларни давом эттириб, қурилиш, автомобилсозлик, фармацев-

тика соҳаларида талаб юқори синтетик толалар, полиэфир смола, полимерлар, ароматик углеводородлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилишда "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамиятининг биринчи ярим йилликдаги фаолияти яқунлари ҳам муҳокама қилинди.

Карантин даврида ҳам тизимдаги барча корхоналарда узлуксиз ишлашга шартшароит яратилди. Натижада олти ойлик режалар бажарилиб, қўшимча 1 миллиард куб метр табиий газ, қарийб 22 минг тонна конденсат ва 1,2 минг тонна нефть казбича чиқаришга эришилган. 11 та лойиҳа бўйича жами 846,5 миллион доллар инвестициялар ўзлаштирилган.

Президентимиз ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириб, импортни қисқартириш, соҳага рақамли технологияларни фаол татбиқ этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Геология-қидирув ишларини кенгайтириш, углеводородларни казбича олиш ҳажмини кўпайтириш бўйича истиқболли лойиҳаларга хорижий инвесторларни жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда фармацевтика ва электр техникаси саноатининг ривожланиш ҳолати, юқори қўшилган қийматга эга сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ушбу тармоқлар экспорт салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларининг бориши ҳам кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда электр техникаси саноатида 429 корхона мавжуд бўлиб, уларда 70 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган. Ўтган йил яқунларида кўра, тармоқда 897,5 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, 250,3 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Фармацевтика саноатида 202 та кор-

хона фаолият юритмоқда. 2019 йил якунида бу тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми 170 миллион долларни, экспорт 22,1 миллион долларни ташкил этган.

Ушбу икки тармоқда 52 мингдан ортиқ киши иш билан таъминланган.

Фармацевтика корхоналарининг аксарияти оддий формулани дори-дармонларни ишлаб чиқариш билан чекланмоқда. Шу боис импорт қилинадиган маҳсулотлар улуши 79 фоизни ташкил этади. Бу ҳали фойдаланилмаётган улкан салоҳият мавжудлигидан далolat беради. Айни пайтда фармацевтика саноатида умумий қиймати 630 миллион доллар бўлган 93 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда, шундан 355 миллион доллар хорижий инвестициялардир. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш 5,5 минг иш ўрни яратилишини таъминлайди.

Йиғилишда тегишли тармоқ, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Давлатимиз раҳбари фармацевтика ва электр техникаси саноатини ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, шунингдек, коронавирус пандемияси шароитида барқарор ишлашни таъминлаш бўйича аниқ вазифаларни қўйди.

Илмий ривожланишга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишни рағбатлантириш, шу жумладан, қўшимча эркин иқтисодий зоналар ва илгор ривожланиш ҳудудларини яратиш, ушбу соҳалардаги корхоналар ўртасида кооперацияни чуқурлаштириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва унинг рақобатдошлигини ошириш, маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозорга экспортини кўпайтириш, шунингдек, электр техника ва фармацевтика соҳасидаги кадрлар салоҳиятини кучайтириш бўйича топшириқлар берилди.

ЎЗА

## Муносабат

### Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳот

судларнинг мустақиллиги ва ҳолислигини мустаҳкамлашга қаратилган

Бирлашган Миллатлар Ташкилати Инсон ҳуқуқлари кенгашининг Женевада бўлиб ўтган 44-сессияси доирасида 2020 йил 13 июль кuni БМТ Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг 2019 йили Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи яқунларида доир маърузасини кўриб чиқишга бағишланган видеоконференция ўтказилди.

"Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда давлат институтлари ва сиёсатни ислох этиш ҳамда модернизация қилиш бўйича кенг қамровли дастур ишлаб чиқилган. Ҳозирги даврга одил судлов тизимида амалга оширилаётган ислоҳот ана шу дастурнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади".

Ушбу фикрларни БМТ махсус маърузачиси Д.Гарсия-Саян БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши 44-сессияси минбаридан туриб айтди.

#### Махсус маърузачи институти нима?

БМТ махсус маърузачисининг Ўзбекистонга ташрифи яқунларида доир маърузаси ҳақида сўз борганда, авваламбор, Д.Гарсия-Саяннинг мандатига, яъни унинг лавозими билан боғлиқ вазифаларига эътибор қаратиш ўринлидир.

Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачи институти БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича ко-

миссияси (ҳозирги — БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши) 1994 йилда қабул қилган резолюция асосида таъсис этилган. Ўтган 25 йил давомида махсус маърузачилар қарийб 40 та мамлакатга ташриф буюришган.

Махсус маърузачи — инсон ҳуқуқлари бўйича муайян мамлакатдаги вазият ёки аниқ бир мавзунинг ўрганиш ва бу ҳақда маърузалар тақдим этиш учун БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши томонидан тайинланадиган мустақил



экспертдир. Бугунги кунда БМТ тизимида инсон ҳуқуқларининг турли соҳаларга иктисослашган 44 нафар махсус маърузачи мавжуд.

Махсус маърузачи фахрий лавозим ҳисобланади. Яъни у БМТ ходимлари сирасига кирмайди ва унга иш ҳақи тўланмайди. Махсус маърузачи фаолиятининг ҳолислиги ва бегаразлигини таъминлашда бу омил муҳим аҳамият касб этади.

Д.Гарсия-Саян асли Латин Америкаси минтақасидаги Пе-

ру мамлакатидан туғилиб-ўсган таникли юрист, малакали судья ва мохир дипломатдир. У БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси лавозимига 2016 йил декабрь ойида тайинланган ва кейинги чорак аср ичида шу лавозимда фаолият юритаётган бешинчи эксперт ҳисобланади.

#### Ташриф тарихига назар

БМТ Инсон ҳуқуқлари кенга-

шининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси 2019 йил 19-25 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлган. Д.Гарсия-Саян мамлакатимиздаги давлат ҳокимияти органларининг барча биринчи раҳбарлари билан учрашиб, юзма-юз мулоқотда бўлган мазкур ташрифнинг асосий хусусиятларидан биридир.

Айниқса, у Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг қабулида бўлган мамлакатда 2016 йилдан буён изчил амалга оширилаётган нобё ислохотлар дастури ҳақида атрофлича фикрлашиш имконига эга бўлган мамнулигини изхор қилди. Давлатимиз раҳбарининг етакчилик салоҳиятини, миллий ва халқаро даражадаги ташаббуслари, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимида амалга ошираётган ислохотларини эътироф этишини билдирди. Маълумки, ўтган уч-тўрт йил давомида ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори суд-ҳуқуқ тизимида ҳам шиддатли ислохотлар амалга оширилди. Кейинги даврда Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида халқаро стандартларни жорий қилиш орқали судья ва адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш Харакатлар стратегиясининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

(Давоми 3-бетда) ▶

Бу ҳаётда амалдаги тартиб-қондаларга қатъий риоя этган ҳолда уй-жой қурган киши, ҳеч шубҳасиз, ўз меҳнатининг самарасини кўради, янги уйда оила аъзолари билан роҳат-фароғатда яшайди. Бошқача айтганда, ҳаётда қонунни яхши билган, унинг меъёрларига тўлиқ амал қилган киши ҳеч қачон янглишмайди.

## Қонун барчага баробар

### Бир ҳовли-жой низоси

ёҳуд қўлдан-қўлга ўтган мулк можароси ҳақида

Бунинг акси бўлган — қонунни четлаб ўтишга уриниш, ўзганинг мулкни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳеч қачон беиз кетмайди.

Буни қуйидаги ҳаётий мисол ҳам тасдиқлайди. Гап шундаки, Шаҳрисабз ту-

мани собиқ ижрокўмининг 1990 йил 12 октябрдаги қарорига кўра, собиқ Гулистон жамоа ҳўжалиги худудидан Шароф Пирматовга (исм-шарифлар ўзгартирилган) уй-жой қуриш учун 0.06 га ер ажратилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

## Жаҳон тажрибаси

### Ҳолислар суди: хорижий тажриба таҳлили

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 30 июнда одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида одил судловни халқнинг кўз ўнгига, очиқ-ошкора амалга ошириб, адолатни қарор топшини таъминлаш лозимлиги қатъий таъкидланди.

Бу борада халқаро тажрибани чуқур ўрганиш, ривожланган хорижий давлатларда асрлар давомида фаолият юритиб келаятган ҳолислар суди фаолияти билан яқиндан танишиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Куйида хорижий давлатларда узоқ йиллар-



дан буён муваффақиятли фаолият юритиб келаятган Ҳолислар суди тўғрисида фикр юритамиз.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИНИ САЙЛАШ Тўғрисида

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 9 ва 16-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Робохон Анваровна **Махмудова** 10 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари лавозимига сайлансин ва шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси лавозимидан озод этилсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **Т. НАРБАЕВА**

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 13 июль

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ Тўғрисида

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 9 ва 16-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар: Баҳром Абдувалиевич **Тангабаев** ўн йил муддатга; Ибрагим Мирзарахимович **Алимов** муддатсиз даврга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайлансин.

2. Қуйидагилар: Хуршид Искандарович **Косимов**; Алишер Абдухалимович **Жалилов** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2019 йил 12 октябрдаги СК-520-III сонли Қарорининг 1-бандида "маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси" деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **Т. НАРБАЕВА**

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 13 июль

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2020 йил 3 июль № 11 Тошкент шаҳри

## Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш тўғрисида

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким улардан судсиз маҳрум этишга ёки уларни чеклашга ҳақли эмас. Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш давлат ҳимояси институти бўлиб, у мустақил суд ҳокимияти томонидан одил судловни амалга ошириш орқали таъминланади.

Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш самарадорлигини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тушунтирилсинки, суд орқали ҳимоя қилиш деганда, процессуал қонунларда белгиланган тартибда амалга оширила- низолаштилаётган ҳуқуқлар, эркинликлари ва қонун билан

қўриқланадиган манфаатлари қилишга қаратилган, процессуал қонунларда белгиланган тартибда амалга оширила- диган фаолияти тушунилади. (Давоми 2-бетда) ▶

Қонун барчага баробар

Бир ҳовли-жой низоси

ёхуд қўлдан-қўлга ўтган мулк мижароси ҳақида



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ш.Пирматов ўзининг қонуний ер участкасига эга бўлган, бу ерда уй-жой қуришга киришди. Аммо орадан кўп ўтмай Ш.Пирматов хизмат юзасидан қўшни вилоятга ишга ўтказилди. Шу боис у оиласи билан кўчиб кетаркан, уй-жойни вақтинчалик яшаб туриш учун таъини Бахтиёр Файзиевга қолдиради.

Аммо орадан бир неча йил ўтган, Б.Файзиевнинг кўнглида гаразли ният уйғонади. У қандайдий йўл билан бўлмасин уй-жойни ўз номига расмийлаштириб олиш пайига тушади.

Кейинчалик аниқланишича, Шахрисабз тумани "Ермулккадастр" хизмати томонидан 2014 йил 25 мартда айтилган пайтдаги Шахрисабз тумани, Зийкор маҳалла фуқаролар йиғини "Обод турмуш" кўчасида жойлашган ушбу уй-жойга нисбатан фуқаро Б.Файзиевнинг номига фойдаланувчи сифатида кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди.

Қисқаси, ноқонуний йўл билан кадастр ҳужжатларини ўз номига расмийлаштиришга эришган Б.Файзиев Шахрисабз туман ҳокимининг 2010 йил 27 июлдаги Х-1335/7 сонли ҳақ тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиш тўғрисидаги қарори, турар жой, бино иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини бериш ҳақида тузилган ишчи гуруҳнинг далолатномаси, шунингдек, туман ҳокимида берган аризаси асос қилиниб, ушбу уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини белгилаб олади.

Шундан сўнг "иш"нинг силлиқ битганидан қувонган Б.Файзиев ими-жимиди Шахрисабз шаҳар 2-сонли Давлат нотариал идораси орқали ўз номига расмийлаштирилган мазкур уй-жойни Шавкат Алиқулובה пуллайдди.

Халқимизда: "Ўроқда йўк, машоқда йўк, хирмонда ҳозир", деган нақл бор. Ушбу ибратомуз ҳикмат айнан Б.Файзиев ва унинг ноғорасига ўйнаган кимсаларга нисбатан айтилган бўлса, ажаб

эмас. Боиси, Б.Файзиев бу уй-жойга лоақал биронта гишт қўймаган бўлса-да, ўзганинг мулкига нисбатан "даъво" қилди. Аниқроқ айтилган бўлса, у ўзига билдирилган ишонччи топтаб, омонатга хиёнат қилди. Бу орада адолатни қарор топтириш учун ҳовли-жойнинг ҳақиқий эгаси Ш.Нурматов мутасадди идоралар ва судга йиллаб катнаб, овора-ю сарсон бўлди.

Охир-оқибат Қашқадарё вилояти маъмурий суди апелляция инстанциясида ушбу низо адолатли яқун топди.

Узоқ вақт давом этган суд жараёнида Б.Файзиев сохта ҳужжатлар ва қарорларни рўқач қилиб, сувдан қуруқ чиқишга, ўзини оқлашга қанчалик ҳаракат қилмасин, барибир, фойдаси бўлмади.

Бинобарин, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 2-қисмида "суд устидан шикоят қилинаётган қарор эки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонун ҳужжатларига зид эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганлигини аниқласа, қарорни эки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас ёхуд (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида хал қилув қарори қабул қилади", дея қайд этилган.

Судлов ҳайъати қонуннинг ушбу талабидан келиб чиқиб, Касби тумани маъмурий судининг 2020 йил 16 январдаги хал қилув қарорини бекор қилиш ҳамда даъвогар Ш.Нурматовнинг Шахрисабз тумани ҳокимининг 2017 йил 28 июндаги Х 2217/06 сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш хусусидаги даъво аризасини қаноатлантиришни лозим топди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқадиган ҳулоса шундан иборатки, ноқонуний қилмиш ҳеч қачон изсиз кетмайди. Шундай экан, қонунни ҳурмат қилиш, белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиш барчага бирдек тегишлидир.

Зеро, адолат мезони ҳаётий ҳақиқат эканлигини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Ойбек БЕКНАЗАРОВ, Қашқадарё вилояти маъмурий судининг судьяси Абдунаби БОБОЕВ, "Куч — адолатда" мухбири

Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш тўғрисида

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини биринчи инстанция судида иш қўзғатиш учун қонунда назарда тутилган шартларга риоя этган ҳолда амалга ошириш мумкин. Ушбу шартларга риоя этмаслик суд томонидан мурожаатларни қабул қилиш ва кўришни рад этиш учун асос бўлади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал, Жиноят-процессуал кодекслари, Маъмурий суд ишларини юритиш ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига (бундан буён матнда процессуал қонунлар деб юритилади) мувофиқ, судга мурожаат қилиш:

фуқаролик, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича — даъво аризаси, ариза (шикоят) шаклида; буйруқ тартибда иш юритиш бўйича, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар, алоҳида тоифадаги ишлар ва процессуал қонунларда назарда тутилган бошқа ҳолларда — ариза шаклида;

апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларига мурожаат этилганда — шикоят шаклида амалга оширилади.

3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг процессуал қонунларга кўра, судлар ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича судга мурожаатлари "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда қўриб чиқилади.

Мазкур Қонун 25-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, бошқа давлат органлари, ташкилотлар эки уларнинг мансабдор шахсларига таллуқли мурожаатлар судга келиб тушганда, улар беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга юборилади ва бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма эки электрон шаклда хабар берилади.

Шу билан бирга судларнинг эътибори мурожаатлар асосиз равишда бошқа давлат органларига қўриб чиқиш учун юборишга йўл қўйилмаслигига қаратилсин.

4. Судга мурожаатлар шакл ва мазмун жиҳатдан процессуал қонунлар билан уларга қўйилган талабларга мос бўлиши керак. Мурожаатлар судга электрон ҳужжат шаклида ҳам юборилиши мумкин.

Мурожаатда, жумладан, жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи ҳақидаги маълумотлар эки юридик шахснинг номи ва жойлашган жойи ҳақидаги

маълумотлар, берилган мурожаат бўйича ҳуқуқий муносабатнинг моҳияти, мурожаат ва қўйилган талаб эки илтимосноманинг моҳияти, мурожаат санаси кўрсатилиши лозим. Мурожаатда мурожаат этувчининг имзоси (рақамли имзоси) бўлиши ҳам мажбурий талаб ҳисобланади.

5. Шуни назарда тутиш лозимки, процесс иштирокчилари ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш уларга қонунда берилган суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи билан ҳам таъминланади.

Фуқаролик процессуал, иқтисодий процессуал қонунлари ва маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунга мувофиқ, суд ҳужжати қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текшириш ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар — тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган бошқа шахслар мурожаат қилишга ҳақли.

Иқтисодий процессуал қонуни ва маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга кассация ва назорат шикояти билан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган (тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий низолар, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар бундан мустасно).

Жиноят-процессуал қонунда суд ҳукми ва ажрими устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси аниқ кўрсатилган. Жумладан, суднинг ҳукми, ажрими устидан маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили, ҳукмнинг фуқаровий даъвога оид қисми устидан — фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан — судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили шикоят беришга ҳақлидир. Ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан шикоят бериш ҳуқуқига эга.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунга асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича суд қарори устидан, ўзига нисбатан суд қарори чиқарилган шахс, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, адвокат, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган орган шикоят бериш ҳуқуқига эга.

6. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритишда иштирок этувчи тарафлар вакиллари ва адвокатлари суд қарори устидан шикоят қилиш ҳуқуқига, фақат бундай ваколатлар ваколат берувчи томонидан белгиланган тартибда берилган ишончномада маҳсуус кўрсатилган ҳоллардагина эгадирлар.

7. Қонунга кўра, назорат инстанцияси судига мурожаат қилишда шикоятга иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари нусхалари, қонунда белгиланган ҳолларда эса, давлат бож ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши лозим. Тушунтирилсинки, ушбу шартларнинг бажарилмаслиги ва мурожаат қилувчи шахс процессуал ҳолатини аниқлаш имкониятининг мавжуд эмаслиги мурожаатни кўрмасдан қайтариш учун асос бўлади.

8. Судларнинг эътибори мурожаатларни қўриб чиқиш муддатларига ва мурожаат бўйича қабул қилинадиган қарорлар мурожаат матни баён этилган тилда қабул қилиниши шартлиги ҳақидаги қонун талабларига сўзсиз риоя этилиши кераклигига қаратилсин.

9. Тушунтирилсинки, ишни биринчи инстанция судида кўришда раислик қилган судья мурожаатларни ўз вақтида рўйхатга олиш, ишларни расмийлаштириш ва апелляция, кассация инстанциясига юбориш муддатларига риоя этилиши ва процесс иштирокчиларини ишни апелляция, кассация инстанцияси судида кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш учун шахсан масъулдир. Бунда эътибор шунга қаратилсинки, ишни иқтисодий ва маъмурий судларнинг апелляция, кассация инстанциясида кўришда процесс иштирокчиларини ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш масъулияти ушбу инстанцияларда маърузачи бўлган судьяга юкланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Пленум котиби в.б., Олий суд судьяси

К. КАМИЛОВ Р. ИСМАЙЛОВ

Жаҳон тажрибаси

Холислар суди:

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Авалло шуни айтиш керакки, Холислар суди — одил судловни амалга оширувчи орган эмас, балки аксарият ҳолларда фақатгина жиноят ишлари юзасидан судьялар билан бирга одил судловни амалга ошириш тартибидир.

Холислар суди таркиби одатда, маълум бир қоидаларга риоя қилган ҳолда тасодофий тарзда танлаб олинган халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади. Халқ маслаҳатчилари ўттиз ёшдан катта ва олти беш ёшдан ошмаган бўлиши шарт. Судьялар ва суднинг бошқа аъзолари, қуролли қучлар ва полиция ходимлари, ҳар қандай диний ташкилотлар вакиллари ва руҳонийлар халқ маслаҳатчиси бўлишига йўл қўйилмайди.

Хар бир муниципалитет эки коммунада ижро этувчи органнинг бошлиғи ва икки нафар аъзосидан иборат таркибда Кенгаш (Consiglio Comunale) тузилади. Кенгаш белгиланган мезонларга жавоб берадиган барча фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган иккита реестрни шакллантиради.

Мазкур реестрлар Кенгаш томонидан эълон қилинади ва ушбу рўйхатдан норози бўлган фуқаролар 15 кунлик муддатда унга нисбатан эътироз билдириши мумкин. Реестрлар ҳар икки йилда бир мартаба қайта қўриб

бўлган жиноятлар юзасидан одил судловни амалга оширади.

Холислар суди томонидан вердикт, яъни халқ маслаҳатчилари томонидан судья тақдим қилган саволнома юзасидан овоз бериш орқали қабул қилинадиган қарор алоҳида хонада қабул қилинади ва матбуотда эълон қилинади. Судьялар суд мажлисларида раислик қилади ва ўз фикрларини халқ маслаҳатчилари томонидан вердикт қабул қилингандан сўнг эълон қилади.

Халқ маслаҳатчилари ўттиз ёшдан катта ва олти беш ёшдан ошмаган бўлиши шарт. Судьялар ва суднинг бошқа аъзолари, қуролли қучлар ва полиция ходимлари, ҳар қандай диний ташкилотлар вакиллари ва руҳонийлар халқ маслаҳатчиси бўлишига йўл қўйилмайди. Яъни халқ маслаҳатчиларининг таркиби мажбурий бўлиб, судьяга нисбатан рад қилиш асослари мавжуд бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Испанияда Холислар судининг фаолияти 1995 йил 22 майда қабул қилинган "Холислар судлари тўғрисидаги органик қонун" билан тартибга солинади. Қонуннинг 1-моддасига кўра, Холислар суди ишироқида қуйи бўгин судлари томонидан муайян турдаги жиноятлар юзасидан одил судлов амалга оширилади.

Испанияда халқ маслаҳатчиларини тайинлаш 4 босқичда амалга оширилади. Ана шу босқичлар асосида суднинг ҳар бир сессияси

да иштирок этиш учун жами 36 кишидан иборат халқ маслаҳатчилари рўйхати шакллантирилади.

Суд мажлиси тайинланган кунда маълум бир ишда иштирок этиш учун халқ маслаҳатчилари рўйхатини шакллантириш амалга оширилади. Бунда Холислар суди 9 нафар асосий ва 2 нафар захирадаги халқ маслаҳатчиларидан иборат тартибда фаолият юритади.

Испанияда халқ маслаҳатчилари китоблар, ҳужжатлар, ашёвий далилларни қўриб чиқиш ва лозим бўлган ҳолларда воқеа жойини кўздан кечириш ҳуқуқига эга.

Суд терговга яқунланганидан сўнг раислик этувчи томонларнинг яқуний баёнотларини тинглайди. Кейин қуйидаги кетма-кетликда тузилган ёзма саволномани вердикт қабул қилиш учун халқ маслаҳатчиларига тақдим этади:

- айблов ва ҳимоя вакиллари томонидан тақдим этилган, рақамлаш орқали параграфларга ажратилган далиллар, бунда аввал айблов томоннинг далиллари, кейин ҳимоя томонининг далиллари баён этилади;

- айбланувчини жавобгарликдан озод қилишда ҳисобга олиниши мумкин бўлган фактлар;

- содир этилган жиноятнинг оғирлигини белгилов-

чи далиллар; - содир этилган жиноий хатти-ҳаракат эки ҳаракатсизликда прокурор томонидан айбланувчига нисбатан қўйилган айбнинг исботланганлиги.

Айбланувчини айбдор деб топиш учун 9 нафар халқ маслаҳатчисидан 7 нафари, айбсиз деб топиш учун эса, оддий кўпчилик, яъни 9 нафардан беш нафарнинг овоз бериши қифоя. Овоз беришда бетараф бўлган халқ маслаҳатчиларининг овози айбланувчининг фойдасига талқин қилинади.

Испанияда халқ маслаҳатчилари айбланувчини жазодан озод қилишга доир илтимоснома билан раислик этувчига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Халқ маслаҳатчилари томонидан ёзма саволнома юзасидан овоз бериш орқали вердикт қабул қилинади. Вердикт ҳар бир халқ маслаҳатчиси томонидан имзоланади. Вердикт имзоланганидан сўнг у раислик этувчига тақдим қилинади.

Норвегияда Холислар судининг фаолияти 1981 йилда қабул қилинган Жиноят процессуал қонуни билан тартибга солинади. Холислар суди тартибда фақатгина апелляция босқичида одил судлов амалга оширилади.

Суд қарори вақтида ижро этилиши шарт

Бизнес-омбудсман девонининг Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатувчи ходимларига "ERGASH OTA" хусусий корхонаси суднинг хал қилув қарори ижросини таъминлашда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Маълум бўлишича, Чироқчи туман иқтисодий судининг 2017 йил 28 августдаги хал қилув қарори билан "ERGASH OTA" хусусий корхонаси фойдасига 77 863 920 сўм қарздорлик маблағи ва 4 500 сўм почта харажати ундирилиши белгиланган.

Лекин ўтган давр мобайнида қарздорликни "ERGASH OTA" хусусий корхонаси фойдасига ундириш юзасидан етарлича чора-тадбирлар қўрилмаган.

Ваҳоланки, "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасига кўра, суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт.

Бизнес-омбудсман девонининг Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатувчи ходимлари сайё-ҳаракати билан суднинг хал қилув ижроси таъминланиб, қарздорлик суммаси тадбиркорлик субъекти ҳисоб рақамига тўлиқ ўтказиб берилди.

Ў. БАРОТОВ, ЎЗА мухбири

◀ (Бошланиш 1-бетда)

Бу борада муайян натижаларга эришилгани халқаро экспертлар томонидан эътироф этилмоқда. Д.Гарсия-Саянинг таъкидлашича, ана шу туб янгиланишларнинг моҳияти, жумладан, судьяларнинг мустақил қарор қабул қилишига ҳалал берадиган сиёсий таъсирларни камайтиришга қаратилганида яққол намоён бўлмоқда.

Муътабар меҳмон ўз ташифи давомида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, судлар мустақиллигини таъминлаш, одил судлов тамойилларини қарор топтириш борасида Ўзбекистонда қисқа фурсатда эришилган бир қатор ижобий ўзгаришларга эътибор қаратди.

БМТ Махсус маърузачиси бир ҳафта давомида мамлакатимиздаги давлат ташкилотлари, вазирлик ва муассасалар раҳбарлари, фуқаролик жамияти институтлари фаоллари, судьялар, прокурорлар, адвокатлар, талаба-ёшлар билан қарийб 40 та учрашув ўтказди.

Шундай қилиб, нуфузли халқаро ташкилот мартабали экспертнинг бугунги маърузаси расмий таъриф давомида бирламчи ва ишончли манбалардан олинган маълумотлар асосида тайёрланганини таъкидлаш лозим.

Ислохотларимизнинг халқаро эътирофи

БМТ махсус маърузачиси Инсон ҳуқуқлари кенгаши сессиясида давлатимиз раҳбари ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида мамлакат одил судлов тизимида амалга оширилаётган шиддатли ислохотларга ҳолис баҳо берди. Д.Гарсия-Саянинг маърузасида бугунги кунда Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқшуносларнинг ўз касбий фаолиятини янада эркин бажаришини таъминлаш борасида бир қатор амалий натижаларга эришилгани ижобий баҳоланди.

Бу ўринда суд тизими қайта тузилгани, хусусан, Судьялар олий кенгаши ташкил этилгани ҳақида сўз бермоқда. Бундан ташқари судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлашнинг янги тартиб-таомиллари жорий этилгани ҳамда судьялар алмаштирилмаслиги қафолатларини мустаҳкамлаш бўйича амалий чоралар кўрилганига алоҳида эътибор қаратилди.

БМТ махсус маърузачиси ушбу амалий чора-тадбирларни том маънода мустақил ва ҳолис одил судлов тизимини барпо этиш йўлидаги дастлабки ижобий қадамлар дея қайд этди.

Биз, шунингдек, Д.Гарсия-Саянинг "Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларидан ҳақиқатан ҳам, мустақил бўлишига эришиш ҳамда судьялар, прокурорлар ва адвокатлар ўз касбий фаолиятини ҳеч қандай асоссиз арашувлар ва босимларсиз амалга оширишларини таъминлаш учун ҳали жуда кўп ишлар қилиш керак" деган нуктаи назарини қўллаб-қувватлаймиз.

Бундан ташқари, биз унинг "Суд тизими ислохоти судларнинг мустақиллиги ва ҳолислигини мустаҳкамлашга йўналтирилиши зарур" деган фикрига ҳам тўла қўшилиамиз.

Махсус маърузачи тавсияларининг аҳамияти

Д.Гарсия-Саян маърузаси якунида Ўзбекистонда судьялар ва прокурорлар мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқшу-

нослар ўз касбий фаолиятини эркин амалга оширишларини таъминлашга қаратилган бир қатор тавсиялар ҳам берди.

Жамиятимиз ҳам, жаҳон жамоатчилиги ҳам бир масалада яқдил ҳамда ҳамжихат, деб ўйлайман. Яъни мамлакат суд тизимининг том маънода мустақиллиги ва одил судлов эркинлигини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Президенти бошлаб берган демократик ислохотларнинг қайтмаслигини таъминлаш зарур.

Бу ўз навбатида, мазкур соҳада янги, янада муҳим вазифаларни бажаришни тақозо этади. БМТ махсус маърузачиси айтиш шундай фикр юритар экан, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш истиқболларига оид:

**Биринчидан**, суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш;

**Иккинчидан**, адвокатларнинг мақоми ва мустақиллигини мустаҳкамлаш;

**Учинчидан**, барчанинг одил судлов имкониятлари ва малакали юридик ёрдамдан эркин фойдаланиши учун зарур шароитлар яратишга доир муҳим амалий таъкид ҳамда тавсияларини тақдим этди.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, нуфузли халқаро ташкилотнинг катта ваколатларга эга муътабар вакилнинг мамлакатимизга таърихий таърифи биз учун, таъбир жоиз бўлса, компас вазифасини ўтади. Яъни биз суд-ҳуқуқ тизимида тўғри ва асосли йўналишда — халқаро стандартлар ҳамда илғор хорижий таърибга мос ҳолда янги ислохотларни амалга ошираётганимизни текшириб, аниқлаб, бунга яна бир бор амин бўлиб олдик.

Шу маънода Д.Гарсия-Саянинг малакали тавсиялари шиддатли ислохотларимизнинг ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий жиҳатдан халқаро андозаларга тўлиқ уйғунлаштириб боришимизда улкан аҳамият касб этади. Бу тавсиялар ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ўзбекистонда ислохот билан амалга оширилаётган Харакатлар стратегиясига бир томонлама уйғун ва мутаносибдир.

Одил судлов сифатини ошириш — давр талаби

БМТ махсус маърузачиси ўз тавсияларига Ўзбекистонда амал қилинаётганини Инсон ҳуқуқлари кенгаши минбаридея туриб, шахсан эътироф этди.

Д.Гарсия-Саян тавсияларининг аҳамияти мамлакатимиз томонидан ўтган қисқа даврда бажарилган бўлса, қолган қисми ҳам ислохот билан амалга оширилмоқда. Шундай экан, бу борада эришилган натижалар ҳусусида мухтасар тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Аслида ҳам, Ўзбекистон БМТ махсус маърузачисининг тавсияларини амалга оширишга устувор аҳамият бермоқда. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш ва одил судлов сифатини ошириш масалалари давлат раҳбарининг 3 та маърузасида алоҳида таъкидлангани бунга яққол тасдиқлади.

Бу ўринда Президентимизнинг Конституция қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишлаб 2019 йил декабрида ўтказилган тантанали маросимдаги маърузаси, 2020

йил январидея Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномаси ва жорий йил 30 июнда судьялар корпуси билан учрашувда сўзлаган нутқи кўзда тутилмоқда.

Барқарор ривожланиш соҳасида 2030 йилгача даврга белгиланган Кун тартибининг 16-сонли Мақсадидаги эришиш доирасида **кейинги уч йилда Ўзбекистон Президенти томонидан суд тизимининг устувор масалаларига тааллуқли 20 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар имзоланди.**

Харакатлар стратегиясини 2020 йил — "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" да амалга ошириш бўйича Давлат дастурда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш соҳасида бир қанча қонунлар

лойиҳалари ишлаб чиқилиши белгиланган. **Янги таҳрирда "Судлар тўғрисида" ги қонун қабул қилиниши**, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини тартибга соладиган қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

Айни вақтда бешта янги Кодекс, яъни Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия, Фуқаролик ва Маъмурий жавобгарлик кодексларини тайёрлаш бўйича изчил иш олиб борилмоқда. Энг муҳими, суд тизимини илғор таъриблар ва халқаро стандартлар асосида, **"Бир суд — бир инстанция" принципи** бўйича такомиллаштиришга қаратилган янгиланишлар амалга оширилмоқда.

Аммо судьялар, умуман, юристларнинг халқаро ҳуқуқ соҳаси бўйича билими пастлиги энг катта муаммолардан эканини афсус билан тан олишга мажбуримиз. Шу маънода Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ Омбудсман ва Тошкент давлат юридик университети билан бирга **"Инсон қадр-қиммати — энг олий қадрият"** махсус ўқув модулини ишлаб чиқди.

Судьялар олий мактабидея эса, **"Инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ"** кафедрасини очилга ҳозирлик қўрилмоқда. Zero, инсон ҳуқуқларини ўқитиш бу — нафақат халқаро мажбуриятларни бажариш, балки демократик, инсонпарвар ва халқпарвар суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Ўзбекистонда юридик таълим имкониятларини кенгайтириш бўйича барча зарур чоралар кўрилмоқда. Президентимизнинг 2020 йил 29 апрелда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фани тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"** ги Фармонида, жумладан, адвокатура учун кадр-

лар тайёрлашни ривожлантириш йўналиши белгилаб берилган. Шу асосда Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида ҳуқуқшунослик факультетлари очилди.

Мамлакатимизда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва малака тўғрисидаги декларацияси амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва малака тўғрисидаги декларацияси амалга оширилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясида, жумладан, қуйидаги чора-тадбирлар кўзда тутилган: судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида умумэтироф этилган принциплар ҳамда халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномалар нормаларининг кенг қўлланишини таъминлайдиган самарали механизм яратиш; "Хабес корпус" институтини янада такомиллаштириш орқали судларнинг мустақиллиги ва ҳолислигини ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида суд ҳокимиятининг ролини тубдан ошириш мақсадида судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш; суд жараёнларида тенглик ва тортишув принципларини татбиқ этиш, адвокатуранинг

лар тайёрлашни ривожлантириш йўналиши белгилаб берилган. Шу асосда Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида ҳуқуқшунослик факультетлари очилди.

Мамлакатимизда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва малака тўғрисидаги декларацияси қондаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилган. Айни вақтда бу Дастур изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази доимий равишда судьялар, прокурорлар ва адвокатлар билан одил судлов соҳасидаги халқаро стандартларнинг миллий амалиётга имплементация қилиш масалалари бўйича турли тадбирлар — семинар ва тренинглр, учрашув ва мунозаралар ўтказиб келмоқда.

Миллий стратегия — БМТ сессиясининг расмий ҳужжати мақомида

Президентимизнинг 2020 йил 22 июндаги Фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси тасдиқлангани мамлакатда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институционал механизмларини яратишнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

Яқинда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги маълумотлар БМТнинг олтинчи тилида нашр этилгани ва Бош Ассамблеянинг 74-сессияси расмий ҳужжати сифатида тарқатилгани бежиз эмас. Миллий стратегия Вена декларацияси ва Харакатлар дастури асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Бошқармаси, ЕХТнинг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда халқаро экспертлар тавсиялари ҳисобга олинган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясида, жумладан, қуйидаги чора-тадбирлар кўзда тутилган: судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида умумэтироф этилган принциплар ҳамда халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномалар нормаларининг кенг қўлланишини таъминлайдиган самарали механизм яратиш; "Хабес корпус" институтини янада такомиллаштириш орқали судларнинг мустақиллиги ва ҳолислигини ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида суд ҳокимиятининг ролини тубдан ошириш мақсадида судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш; суд жараёнларида тенглик ва тортишув принципларини татбиқ этиш, адвокатуранинг

ҳуқуқни ҳимоя қилувчи мустақил ва ишончли институтга айлантириш, профессионал юридик ёрдам сифати ва адвокат касби нуфузини ошириш, инсон ҳуқуқлари соҳасида ихтисослашган юристлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

прокуратура органлари фаолиятини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, прокуратура органларининг фаолияти шаффофлигини ва жамият олдида ҳисобдорлигини таъминлаш, прокуратура бошқарув тизимида коллегиял органлар ролини кучайтириш.

Адвокатура — одил судловнинг ажралмас қисми

БМТ Махсус маърузачиси тавсиялари орасида Ўзбекистонда адвокатлар сонини оширишга доир тақлиф ҳам бор. Д.Гарсия-Саянинг фикрича, бу борада зарур ҳуқуқий-ташкилий ишларни амалга ошириш билан бир қаторда, ёш ҳуқуқшуносларни ушбу касбга қизиқтириш учун тарғибот ишларини кучайтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Утган даврда юртимизда адвокатларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдаги ваколатлари кенгайтирилди. Жумладан, адвокатларга низоларни судгача ҳал этиш ва томонларни яраштириш юзасидан амалий чоралар қўриш, шунингдек, ҳақамлик судьялари сифатида иш олиб бориш ҳуқуқи берилди.

Адвокатлик фаолиятини бошлаши учун ёш мутахассислардан 2 йил юридик стаж талаб этиш бекор қилиниб, талабалардан адвокат ёрдамчиси сифатида амалиёт ўташ тартиби жорий этилмоқда. Юридик олий ўқув юрларида "адвокатлик фаолияти" мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни электрон танлаш тизими ишга тушириляпти. Бундан ташқари ўта оғир жиноятда айбланаётган шахсларнинг иши бўйича, шунингдек, қамқоқ олиш ёки уй қамғои тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқилаётган ҳолатларда ҳам адвокат иштирокининг мажбурийлиги белгилаб қўйилди.

Адвокатлик фаолияти жозибдорлигини ошириш, бу касб эгаларининг ҳимояси ва қафолатини кучайтириш бўйича қонун ҳужжатлари пакети ишлаб чиқилиб, кенг муҳокама учун эълон қилинди. Бу ўринда аввало **"Адвокатура институтини ривожлантириш концепцияси"**нинг лойиҳаси тайёрланганига эътибор қаратиш даркор.

Ушбу лойиҳада адвокатларнинг ҳуқуқий мақомини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар назарда тутилган. Янги **"Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида"** ги ҳамда **"Бепул юридик ёрдам тўғрисида"** ги қонунлар қабул қилиниши ҳам режалаштирилган.

"Ҳозирги" вақтда мамлакатимизда БМТ махсус маърузачиси тавсияларини амалга ошириш бўйича **Миллий ҳаракат режаси ("Йўл харитаси")** лойиҳаси тайёрланмоқда. Олий Мажлис палаталари томонидан тузиладиган инсон ҳуқуқлари доир халқаро мажбуриятларга амал қилиш бўйича Парламент комиссияси мазкур тавсиялар ижроси устидан парламент мониторингини амалга оширади.

**Акмал САИДОВ**, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори

хорижий тажриба таҳлили



Апелляция шикоятда Холислар суди судловига тегишли масалалар билан бирга, қабул қилинган ҳукмининг юридик жиҳатлари, масалан, процессуал қонун талабларининг бажарилиши юзасидан ваҳжалр келтирилган тақдирда, апелляция шикоятчи Холислар судининг судловига тегишли бўлмайдиган ва умумий тартибда кўриб чиқилмади.

Холислар судида халқ маслаҳатчилари сони 10 нафарни ташкил этади. Мураккаб жиноят ишлари юзасидан раислик этувчи 11 ёки 12 нафар халқ маслаҳатчисини тайинлашга ҳақли.

Холислар судига 12 нафар халқ маслаҳатчиларни тайинланган тақдирда ҳам улардан фақатгина 10 нафари ёзма саволнома юзасидан вердикт қабул қилишда иштирок этиш

ташқари ҳеч қим билан мулоқотга киришмаслик, иш юзасидан ўз фикр ва хулосаларини бошқаларга аён қилмаслик, ёзма саволнома юзасидан вердикт қабул қилингунга ёки руҳсат берилгунга қадар суд мажлиси бўлиб ўтаётган бинони тарқ этмаслик лозимлигини тушунтиради.

Норвегияда халқ маслаҳатчилари ёзма саволнома юзасидан овоз бериш орқали соддалаштирилган, яъни "айбдор" ёки "айбдор эмас" шаклида вердикт қабул қилади. Жиноят иши юзасидан тайёрланган ёзма саволнома асосий ва қўшимча саволлардан иборат бўлади.

Халқ маслаҳатчилари ёзма саволнома юзасидан вердикт қабул қилиш учун маслаҳат хонасига кирадилар. Бунда агар улар лозим топса, иш бўйича тўплаган далилларга доир маълумотларни маслаҳат хонасига олиб кириши мумкин. Томонлар ва экспертларнинг ёзма баёнотлари бундан мустасно.

Ёзма саволнома юзасидан халқ маслаҳатчилари рўйхат бўйича бирма-бир овоз беради. Айбланувчини айбдор деб топиш учун халқ маслаҳатчиларидан 7 нафарининг овоз бериши талаб этилади. Бу жараёнда қимнинг қандай овоз берганини кўрсатиб ўтиш талаб этилмайди.

Асосий саволлар юзасидан айбланувчини "айбдор

эмас" деб топишга доир овоз берган халқ маслаҳатчиларининг қўшимча саволлар юзасидан овоз бериши талаб этилмайди. Бироқ қўшимча саволлар юзасидан овоз бериш натижаларини ҳисоблашда уларнинг овози айбланувчига энгиллик бериши сўраб овоз берганлар қаторида ҳисобга олинади.

Халқ маслаҳатчиларининг етакчиси ҳамда қуръа ташлаш орқали шакллантирилган рўйхатдаги дастлабки икки нафар халқ маслаҳатчиларининг етакчиси ҳамда қуръа ташлаш орқали аниқланган уч кишидан иборат халқ маслаҳатчиларининг етакчиси асосий ва қўшимча саволлар юзасидан қабул қилинган вердиктларни ўқиб эшиттиради ва имзоланган вердиктни раислик этувчи судьяга топширади.

Агар раислик этувчи халқ маслаҳатчилари томонидан ёзма саволнома юзасидан ноаниқ ва бир-бирини истисно этувчи қарорлар қабул қилинган, деган хулосага келса, халқ маслаҳатчиларига қўшимча равишда маслаҳат хонасига кириб, ёзма саволнома юзасидан қабул қилинган қарорларга аниқлик киритишни тақлиф қилишга ҳақли.

Халқ маслаҳатчилари томонидан айбланувчи "айбдор эмас" деб топилган тақдирда, суд шундай ҳукм

...Асли қўшқўпирлик Эътибор Ҳайитбоева ҳаётга энгил-ели қаради, ҳар қандай қилмиш муқаррар равишда қидирмишга етаклашига инонмади. Ачинарли жиҳати шундаки, у ҳар гал боши тошга тегиб, хаёллари саробга дўнса, қилмишининг аччиқ қидирмишини татиса-га, ўз билганидан қолмади.

Жиноятга жазо муқаррар

Маккора аёлниг фириби унинг ўзига қимматга тушди

Э.Ҳайитбоева ҳали йигирма беш ёшга тўлмаёк, содир этган жиноий қилмиши учун тегишли жавобгарликка тортилди. Фирибгарликка оид жижанч қилмишининг жазосини татиб кўрди. Бироқ бу унга қор қилмади, сабоқ ҳам бўлмади. 2006 йилга келиб, яна қора қилмишга қўл урди. Фириб билан боғлиқ жижанч кирдиқорини фаҳш, товламачилик, ўғирлик амалларига анча-мунча бойитган ҳолда амалга оширди. 2006 йилга келиб, яна қора қилмишга қўл урди. Фириб билан боғлиқ жижанч кирдиқорини фаҳш, товламачилик, ўғирлик амалларига анча-мунча бойитган ҳолда амалга оширди.

Учун 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Бироқ юртимизда қарор топган бағрикенглик, кечиримлик тамойилларига биноян, муддатидан 3 йил салкам 4 ой олдин озодликка чиқарилиб, ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинди. Аммо у бу жазонинг салкам 4 ойинигина ўтай олди. Қарийиб 3 йиллик жазо гарданидея қолди.

Э.Ҳайитбоева 2019 йил тагин жиноят қўлида пайдо бўлди. У ўз "ризиқ"ни излаганча Урганч дехқон бозорига борди. Бозорда у ўзини устомон сотувчи-тижоратчи сифатида таништирди. Цитрус мевалар билан савдо қилинига қолмай, уни четдан олиб келишга ҳам қўрби етишини айтиб, бозордагиларни ишонтирди. Карвони йўлга чиққани, ҳадемай Урганчга етиб келиши, ундаги банан-у, мандаринларни сув текин нарҳда сотиш ниятида эканини кўпчиликка маълум қилди. Унинг жиддий ва ишончли оҳангдаги бурро сўзлари беиз кетмади.

(Давоми 4-бетда) ▶

Турмуш чорраҳаларида

Оила қўрғонига дарз кетмасин

Ҳар бир оила бир олам. Лекин дунё халқлари орасида ўзбек оиласининг анъаналари, турмуш тарзи, ахлоқ-оғоби олижаноб хислатларга, умуминсоний қадриятларга йўрталганлиги билан алоҳида ажралиб туради.



Алишер Абдуллаев. — Тадбирлар жараёнида турли сабабларга кўра, ажрашиб яшаётган эр ва хотинлар билан ўтказилган суҳбатлар натижасида 9 нафар вояга етмаган фарзандлари бўлган 12 та оила яраштиришга муваффақ бўлиди. 2019 йилнинг 6 ойида судларда никоҳдан ажратилиш ҳақида 1859 та иш қўрилган бўлса, жорий йилда бу тоифадаги ишлар 1600 тани ташкил қилиб, 259 та ёки 13,9 фоизга камайган. Судлар томонидан 65 та оила яраштирилган. Судларда қўрилган ишлар бўйича аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ҳамда оилаларни сақлаб қолиш юзасидан — 110 та хусусий ажрим чиқарилиб, жойларга муҳокама қилиш ва зарур чора-тадбирлар белгилаш учун юборилган.

Судларга никоҳдан ажратилиш ҳақида даъво ариза келиб тушиши билан бу ҳақда Маҳалла ва оила қўллаб-қувватлаш бошқармасининг туман ва шаҳарлардаги кўйи тизимларида ҳабарномалар юбориш ҳамда никоҳдан ажратилиш ҳақидаги ишларни мазкур тизимдан хулосаларини олиш билан қўриб чиқиш амалиёти жорий қилинган. Ҳар бир оила қўллаб-қувватлаш бошқармасининг кўйи бўлимига

аралашувлари билан изоҳлаш мумкин. Илгарилари сабр билан кутиб, ўн йилларда фарзанд қўрганлар бўлган. Ҳозирда докторлар фарзандли бўлишга умид борлигини айтган бўлсалар ҳам, ота-оналар қистови билан ёшлар икки-уч йилдаёқ ажримга ариза бераёпти. Оила катталарига тушунтиришга ҳаракат қилсак, "биз учун бир йил ҳам муҳим" дейишади.

Гап жамиятнинг асоси бўлган оила тақдири ҳақида борар экан, унга путур етказувчи ҳар қандай иллатга бефарқ қараб бўлмайди. Айрим оилаларда ота-оналар турмуш иқир-чиқир, уй қуриш, сеп йиғиш билан андармон бўлиб, ўғил-қизларини турмушга тайёрлашда энг улуғ аъёна ва қадриятни унутиб қўйишлар. Оилавий ҳаётнинг нозик сирлари, эрлик, аёллик масъулияти ва рўзгор юмушларини қиз болага она ва эгачилари, амма-холалари, ўғил болага ота, ака, амаки-тогалари ўргатишидек азалий миллий одатлар эсдан чиқариб юборилганди.

— Назариди, ажрим ёқасида келиб қолган оилаларда эркакларнинг ўрни йўқолаётгандай, — дейди Фиштон кишлоғида истиқомат қиладиган Орифжон ака Каримов. — Келинига таълим берганидан кейин она ва ота-оналарнинг қўлидан қолган қўриқлар, "Кўрғонча" маҳалла фуқаролар йиғинларида оилавий ажримлар кўп кузатилаётгандай. Оилавий келинчиликларни йиғитнинг бошқа оиласи борлиги, ҳибнат, ичкиликка ружу қўйгани, келиннинг бетачопарлиги, уй-рўзгор тутумига нўқоллиги, оилага қайнона, баъзан кайноталар, кайинсинглилар

ган бир неча ойлик ҳаёти давомида яшаш жойини икки мартаба ўзгартирган ва бозорнинг икки нафари сотувчиси (юқоридида фириб қўрбони сифатида номи келтирилганлар орасида улар ҳам бор) билан турмуш қуриш ва ажрашишга ҳам улгурди. Э.Хайитбоева суд ва тергов чоғи уларнинг пулини орадаги эр хотинлик ришталари боис ўзлаштиргани, энди ора очик экани, ўзи томонидан содир қилинган бир неча жиноий қилмишга эса, вақтинчалик хушто

Р.Қаландаров эса, судланувчи гарданидаги жағи 9 миллион сўмлик тўловнинг атиги 1 миллион сўмнинггина қолганига, қолган 8 миллион сўмини ундиришга ҳарчанд уринса-да, натижа чиқмагани билдирди. Судда кўрсатма берган М.Уринов эса, солик жамғирасига нисбатан жами 3,62 миллион сўмлик даъвосидан воз кечганини билдирди.

◀ (Бошланиш 3-бетда)

Э.Хайитбоева усталик билан қўйган тузоққа даставвал бозорда савдо қилаётган М.Уринов илди. Узаро келишувга мувофиқ "ҳожатбарор" аёл уни ниҳоятда харидорбор банан меваси, ўғли М.Аҳмедовни эса, яп-янги хайдовчилик гувоҳномаси билан сийлайдиган бўлди. Камтарин хизматларини даставвал 2 миллион 520 минг, сўнгра 525 минг, пирораврида эса, 517 минг, жами 3 миллион 562 минг сўмга баҳолади ва ушбу маблағни ҳаш-паш дегунча қўлга киритди.

нинг март ойида М.Уриновни чув тушириш чоғи ишга солинган ажабтовуру пул ювиш усули орадан бир неча ҳафта ўтмаёқ яна бир фуқаро Р.Қаландаровга нисбатан ҳам қўланилди. Ундан ундирилган 8,5 миллион сўм Эйтиборхоннинг шахсий бойлигига дўнди.

Шу тариқа ўтган йилнинг март-август ойлари мобайнида бозорда савдо-сотик билан шуғулланаётган Г.Қўқорованинг 71 миллион, М.Аметовнинг 6,4 миллион, Б.Еримбетованинг 23 миллион

ган бир неча ойлик ҳаёти давомида яшаш жойини икки мартаба ўзгартирган ва бозорнинг икки нафари сотувчиси (юқоридида фириб қўрбони сифатида номи келтирилганлар орасида улар ҳам бор) билан турмуш қуриш ва ажрашишга ҳам улгурди. Э.Хайитбоева суд ва тергов чоғи уларнинг пулини орадаги эр хотинлик ришталари боис ўзлаштиргани, энди ора очик экани, ўзи томонидан содир қилинган бир неча жиноий қилмишга эса, вақтинчалик хушто

Р.Қаландаров эса, судланувчи гарданидаги жағи 9 миллион сўмлик тўловнинг атиги 1 миллион сўмнинггина қолганига, қолган 8 миллион сўмини ундиришга ҳарчанд уринса-да, натижа чиқмагани билдирди. Судда кўрсатма берган М.Уринов эса, солик жамғирасига нисбатан жами 3,62 миллион сўмлик даъвосидан воз кечганини билдирди.

Судда жиддий қонунбузарликка етаклаган бу сингари иллатларнинг бари атрофлича муҳокама қилинди. Дастлабки босқич суди Э.Хайитбоевага нисбатан Жиноят кодексининг фирибгарликка оид 168-моддаси 3-қисми "а, б" бандлари, ўғирликка доир 169-моддаси 3-қисми "а" банди, ҳужжатларни қасддан эгаллаш, йўқотиш ёхуд шикастлашга таллуқли 227-моддаси 2-қисми "а" банди бўйича тергов тарафидан қўйилган айбларни асосли, деб топди. Айни пайтда 2017 йил жиноят ишлари бўйича Чирчик шаҳар судининг ҳукмига кўра, белгиланган жазонинг қарийиб 3 йилга ўтмаёқ қолгани ҳам назарда тутилди.

Судланувчи ушбу асосларга биноан жами 5 йилу-2 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ушбу ҳукм жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди апелляция ҳайъатида ҳам қўриб чиқилди ва дастлабки босқич суди жиноят ишлари қонун талабларига риоя этган ҳолда қўриб чиқгани эътироф қилинди.

Суднинг кейинги ҳукмига асосан ўзининг 43 йиллик умри мобайнида 4 марта давомли тарздаги озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган аёлнинг шум тақдирига ачинмасликнинг илоҳи йўқ. Аммо ҳали фурсат бор. Тузалиш, тарбияланиш, ахлоқан покланиш учун имконият эшиклари ҳозирча, ҳа, ҳозирча очик. Шитоб билан илгариларидан давр ҳам қалтириб йўлга кирганларни турмушининг нури йўлларига чорлайди, тузалиш ва покланишга қаратилган саъй-ҳаракатларни олқишлайди. Бунинг ақси саналган жирканч амалларни кескин қоралайди, уни ихтиёр қилган ёхуд машум қилмишлар йўлидан қайтмаган, қайтишни хоҳламаганларни эса, бундан-да оғир қисматга дучор этади. Шу янглиғ аччиқ қисматга рўпара бўлмаслиқ ҳар қим, жумладан, ҳозирда жазо муддатини ўтаётган маҳкума Э.Хайитбоеванинг ўзига кўп жиҳатдан боғлиқ.

...Ваъда учун харж сўралмайди. Аксинча, унинг ўзи пул-у, мол-дунёни етаклаб келади. Урганч деҳқон бозорининг янги валлолат "тижоратчиси" изи узилмас, аммо тағи бўш ва аслида бажарилмас ваъдалар йўлидан юриди. Шу аснода гоҳ хорижийнинг анвоий мевалари, гоҳида тилла тақинчоқ безаклар, бошқа гал эса, ноёб чинчи идишлар билан савдо қилувчи "моҳир" савдогар суверитида намоён бўлди, кези келганида эса, талабгорларни истаган олий ўқув юртига жойлаб қўйишга қўрғил-қодир валлолат шахс сифатида юрталга чиқди.

он, Н.Аҳмедованинг 1,8 миллион сўм миқдоридидаги пули ва қимматбаҳо буюмлари алдов ҳамда фирибгарлик йўли билан ўзлаштирилди. Ҳатто унинг назаридан Урганч шаҳрида атиги бир ой ижарада яшаган хонадон эгаси С.Тожиёв ҳам четда қолмади. Э.Хайитбоева уни ҳам чув туширди. Аниқроқ айтганда, у хонадон соҳиби уйда йўқ эканидан фойдаланиб, 11,6 миллион сўмлик идиш-товоқ, кийим-кечак ва кўрпа-чойшабларни ўғирлаб кетди. Фуқаро М.Уринов орқали эса, унинг ўғли М.Аҳмедовга тегишли фуқаролик паспортини қўлга киритди. Янги хайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш баҳона эгаллаб олинган ушбу ҳужжат кейинчалик йўқотиб юборилди.

Бу янглиғ ажабтовуру воқеаларнинг келиб чиқиши ва содир бўлишига оид кўпгина тафсилотлар ва унга сабаб бўлган бир қатор омиллар суд ҳамда тергов жараёнида тўлиқ ойдинлашди. Аён бўлишича, Э.Хайитбоева Урганчда кеч

ри М.Хайдаров сабабчи бўлгани, қин-ирликни унинг даъватига асосан амалга оширгани, қўлга киритилган маблағни унга кийим-кечак харид қилганини рўжак қилди. Ўзлаштирилган пулларнинг бир қисмини қарзга олгани, бунинг учун эса, яна бир жазмани М.Уриновнинг ўғлига тегишли фуқаролик паспортини эгаллашга муваффақ бўлгани ва уни гаровга қўйгани, ҳужжат шу аснода номинишонсиз йўқолганини тан олди. Пул эгалларининг қистови остида қарзни узим пайида бўлгани, хусусан, фуқаро Б.Еримбетовадан олинган 23 миллион сўмнинг 11,5 миллион сўмини қайтариб берганини баён этди.

Суд жараёнида Э.Хайитбоеванинг фирибга дуч келган фуқаровий даъвогар М.Аметов айбланувчи томонидан ўзига етказилган — 6,4 миллион, С.Тожиёв — 11,6 миллион, Н.Аҳмедова — 1,8 миллион, Г.Қўқорова — 71 миллион сўм миқдоридидаги пулларни ундириб бериши сўради. Яна бир даъвогар

Сардорбек ТОҒОНОВ, жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг судьяси, Абдулла СОБИРОВ, "Куч — адолатда" муҳбири

Суднинг кейинги ҳукмига асосан ўзининг 43 йиллик умри мобайнида 4 марта давомли тарздаги озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган аёлнинг шум тақдирига ачинмасликнинг илоҳи йўқ. Аммо ҳали фурсат бор. Тузалиш, тарбияланиш, ахлоқан покланиш учун имконият эшиклари ҳозирча, ҳа, ҳозирча очик. Шитоб билан илгариларидан давр ҳам қалтириб йўлга кирганларни турмушининг нури йўлларига чорлайди, тузалиш ва покланишга қаратилган саъй-ҳаракатларни олқишлайди. Бунинг ақси саналган жирканч амалларни кескин қоралайди, уни ихтиёр қилган ёхуд машум қилмишлар йўлидан қайтмаган, қайтишни хоҳламаганларни эса, бундан-да оғир қисматга дучор этади. Шу янглиғ аччиқ қисматга рўпара бўлмаслиқ ҳар қим, жумладан, ҳозирда жазо муддатини ўтаётган маҳкума Э.Хайитбоеванинг ўзига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Суднинг кейинги ҳукмига асосан ўзининг 43 йиллик умри мобайнида 4 марта давомли тарздаги озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган аёлнинг шум тақдирига ачинмасликнинг илоҳи йўқ. Аммо ҳали фурсат бор. Тузалиш, тарбияланиш, ахлоқан покланиш учун имконият эшиклари ҳозирча, ҳа, ҳозирча очик. Шитоб билан илгариларидан давр ҳам қалтириб йўлга кирганларни турмушининг нури йўлларига чорлайди, тузалиш ва покланишга қаратилган саъй-ҳаракатларни олқишлайди. Бунинг ақси саналган жирканч амалларни кескин қоралайди, уни ихтиёр қилган ёхуд машум қилмишлар йўлидан қайтмаган, қайтишни хоҳламаганларни эса, бундан-да оғир қисматга дучор этади. Шу янглиғ аччиқ қисматга рўпара бўлмаслиқ ҳар қим, жумладан, ҳозирда жазо муддатини ўтаётган маҳкума Э.Хайитбоеванинг ўзига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Куч — адолатда
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ
Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Робохон МАХМУДОВА
Икром МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Нодирбек САЛАЕВ
Замира ЭСОНОВА
Олим ХАЙИТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор
ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Манзиллими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-723. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ,
Сотувда эркин нархда. Адади: 8283
1 2 3 5 6 Топшириш вақти: 21°. Топширилди: 23°.